

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 19 МАРТ КУНИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ МАДАНИЯТ, САНЪАТ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ, УЛАРДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Тўғри Фойдаланиш Кўникмасини Шакллантириш, Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 21-МАРТ, №12 (1157)

**ТАДБИРКОРНИНГ
БРЕНДИДАН
ФЙДАЛАНИБ,
СИФАТСИЗ
МАХСУЛОТЛАР
СОТУВГА
ЧИҚАЁТГАНМИШ.** 5

**ПАРРАНДАЧИЛИК
ВА БАЛИҚЧИЛИК
УЮШМАЛАРИГА
АЪЗОЛИК
ҲАҚИКАТДА
ФЙДАЛИМИ?** 7

**САВДО
ҚИДАЛАРИНИ
БУЗГАН ТАДБИРКОР
67 МЛН. СЎМДАН
ЗИЁДРОҚ
ЖАРИМАГА
ТОРТИЛДИ.** 8

**МИБНИНГ
8 НАФАР
ХОДИМИГА
ҚАРЗДОРЛАР
ТОМОНИДАН ТАН
ЖАРОҲАТЛАРИ
ЕТКАЗИЛГАН.** 10

Янги ланиш ва нафосат байрами – Наврўзи олам муборак бўлсин!



21 март — Халқаро
Она сайёра куни

ИНСОН — ер фарзанди

Ер барча тирик мавжудотнинг озуқа манбаи, бошланаси. “Ери, тупроғи унумдор халқ бой бўлади”, деган нақл бор. Демак, бебаҳо бойлигимиз бўлган ерни эъозлаш, ундан оқилона фойдаланиш, она заминни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Она-замин, шу қадим тупроқ азалдан халқимиз учун табаррук неъмат ҳисобланади. Донолар айтганидек, “Сен ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади”. Шу сабабли ҳам халқимиз уни эъозлаб, ҳар сиқим тупроғини кўзига тўтиё айлаб келган. Лекин афсуски, айни кунларда ҳам ернинг умрини бекорга ўтказётганлар, ҳатто томорқасига ҳам ҳеч нарса экмай, ҳовлисини файзсиз қилиб ўтирадиганлар ҳозир ҳам йўқ эмас.

Бу — ерга хурмат, эҳтиром туйғуси бизнинг қонимизда, тафаккуримизда, таълим-тарбиямизда мужассам эканидан нишона. 21 мартнинг Наврўз умумхалқ байрами бўлиши билан бирга, шу куннинг Халқаро Она сайёра куни деб белгиланишида ҳам қандайдир рамзийлик бордек гўё.

Қайсидир бокибегамлarning айби билан шўрланиб, кучсизланиб бораётган озоғина ер ҳам аслида жонажон Ватанимизнинг бир парчаси. Демак, у фақат сиз билан бизнинггина мулкимиз эмас, балки фарзандларимиз ва набираларимизнинг ҳам шу муқаддас заминда, шу она тупроқда ҳақлари бор. Шундай экан, уни асраб-авайламасликка, умрини бекор ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ТИЛАНЧИЛИК КАСБИ ЁКИ АЙБ?..

Ички ишлар идораларига келтирилган 575 нафар тиланчидан 479 нафари меҳнатга лаёқатли эканлиги аниқланган.

3-бетда

Ижтимоий тармоқдаги қармоқ

БОШ ПРОКУРАТУРА ТАШАББУСИ БИЛАН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ ПРОФИЛ, КАНАЛ ҲАМДА САҲИФАЛАРНИНГ ТАҚИҚЛАНИШИГА ЭРИШИЛДИ.



2-бетда



Бугунги кунда Интернет инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Шунинг учун ҳам фуқароларни, айниқса, ёшларимизни унинг салбий томонларидан ҳимоя қилиш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Бойси, глобал тармоқнинг чегара билмаслиги, унда фойдали ахборотлар билан бир қаторда, носоглом ахборотларнинг ҳам тарқатилишидир. Хусусан, Интернетда экстремизм ва терроризм тарғиботи ҳам бир мунча кўпайди. Бу каби гараз мақсадлар асосан, "Facebook", "Twitter", "Одно-классники", "ВКонтакте" сингари ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилади.

FAOLİYAT

Халқ розилиги — олий мақсад

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, янгиланишлар, эл-юрт манфаатини кўзлаб олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар ортида биргина мақсад — халқимизнинг ўз ҳаётини рози бўлиб яшашига эришишдир.

Жамол МУЗАФФАРОВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚДАГИ ҚАРМОҚ

Хушнур МАКСУДОВ,

Бош прокуратура бўлим катта прокурори

Ёшлар дунёвий билимлар катори диний маълумотларини ошириш мақсадида интернетдан фойдаланар экан, бу макондаги турли сайтлар ичидан ҳар доим ҳам тўғри йўл кўрсатувчи манбаларни ажратиш ололмайди. Улар баъзан ўзлари билмаган ҳолда экстремистик ресурсларга мурожаат қилиши мумкин. Шу боис ҳам бугунги давр бунга қарши кескин чоралар қўллашни тақозо этмоқда. Айнан шу туфайли Ўзбекистонда интернет орқали олиб борилаётган экстремистик руҳдаги тарғиботларга қарши жиддий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Бош прокуратурага келиб тушган маълумотларга кўра, "Telegram" ахборот ресурсидаги "Абу Салоҳ дарсликлари", "Жаннат ошмаклири", "Шом овози" ва "Тавҳид ва жиҳод" профила-рида "Тавҳид ва жиҳод катибаси" номи террористик ташкилотнинг говий раҳномаси бўлиши Абу Салоҳ тахаллусли шахсга тегишли, "Youtube", "Facebook" каби ахборот ресурсларидаги "Агар айтсалар айтгин", "Хукм кимники", "Саҳобалар жиҳодидан лавҳалар", "Шом фазилатлари", "Қуръондаги қиссалар", "Тўғри манҳаж" номи туркум ва бошқа шу каби мавзулардаги маърузалар жойлаштирилганлиги аниқланган.

Ушбу маърузаларда асосан мусулмонларни кофирликда айблаш (такфир), тинч мусулмон дёндрларидан уруш бўлаётган мамлакатларга жиҳрат қилиш, тинч аҳолига нисбатан жиҳод эълон қилиб, уларни қатл қилиш, худдушлик амалиётини қўлаб, "шаҳидлик" даражасига етиш, халифалик тузиш каби мавзулар ёритилган.

Мазкур маълумотларда диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурсосасизлик кел-

тириб чиқарувчи гоёлар илгари сурилган. Маълумотларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузу-мини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, давлатимиз худудий яхлитлигини Бош қомусимизга хилоф тарзда бузишга давлат қилувчи гоёлар мавжуд бўлиб, уларни республикамиз худудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори билан "Тавҳид ва жиҳод катибаси" ташкилоти халқро террорчи ташкилот деб топилиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси худудидан тақиқланган. Шунга кўра, Бош прокурорнинг ташаббуси билан мазкур интернет контентларни экстремистик ва террористик деб топиш ҳақида Олий судга ариза киритилган.

Жорий йилнинг 12 март куни Олий судда Бош прокурорнинг мазкур ари-заси қўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлан-тирилди, экстремизм ва терроризм мафқурасини тарғиб қилувчи про-филь, канал ва саҳифаларни экстремистик ва террористик, деб топиш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси худудидан тарқатиш, сақлаш ва намоийш этишни тақиқлаш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор қонуний кучга кирганидан сўнг экстремистик ва террористик, деб топилган профиль, канал ва саҳифаларнинг рўйхати Адлия вазирлиги ҳамда Олий суднинг рас-мий веб-сайтларида эълон қилинади.

Бош прокуратура томонидан бу йўналишда ишлар давом этмоқда.

Бу ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Бунинг учун мутасаддилардан уйма-уй юриб, хонадонма-хонадон кириб, одамларнинг турмуш тарзи билан яқиндан бевосита танишиш, дарду ташвишларига қўлоқ солиш, шу билан чекланиб қолмай, уларга ёрдам бериш, кўмак кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, халқ билан бирга яшаш, ҳамнафас бўлиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори айнан бу борадаги энг муҳим ва долзарб мақсадларни, масалаларни қамраб олган.

Биламизки, ҳар қандай иш, саяё-ҳаракат натижаси билан аҳамиятли. Ваҳоланки, секторлар раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тартиби мураккаблиги, тизимли равишда улар малакасини ошириш механизми жорий этилмагани каби жиҳатлар бу борадаги фаолиятнинг сифати ва самарадорлигига, яъни вазифаларнинг ўз вақтида ҳамда намунали бажарилишига салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Президентимизнинг юқорида келтирилган қарорига мувофиқ, фуқароларнинг ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини ошириш, аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотни қўчайтириш ҳамда секторлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Наманган вилоят прокуратураси ташаббуси билан прокурорларга бириктирилган 2-секторда сектор раҳбарлари ҳамда штаб котиб-лари учун "Сектор фаолиятини тўғри ташкил этиш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича талаблар" мавзуида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда прокуратура, ички ишлар, солиқ инспекцияси раҳбарлари ҳамда сектор котиблари иштирок этмиши.

Тадбирда иштирокчиларга слайд, ўқув қўлланма ва бошқа тарқатма материал-

лар орқали сектор фаолиятини ташкил этиш, сектор штабида иш юритиш тартиби, уйма-уй юриш натижасида аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар, сектор раҳбарининг асосий вазифалари ҳамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ҳисоботларни юритиш тартиблари юзасидан зарурий билим ва кўникмалар берилди. Шунингдек, семинар иштирокчилари Минбулоқ туманида намунали ташкил этилган 2-сектор штаби фаолияти, сектор томонидан худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фо-вонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан та-нишилди.

Тадбир иштирокчиларига вилоят прокуратураси томонидан тайёрланган "Секторлар фаолиятини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ва ташкилий ҳужжатлар тўплами" номи китоб ва 2 турдаги плакатлар тарқатилди.

Семинар яқини бўйича сектор фаолиятини такомиллаштириш, келгусида тизимли муаммоларни бартараф этиш ва прокурор секторини вилоятда намунали секторга айлантириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Минбулоқ туман прокурори секторида 8 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. 4644 та хонадонда 28 992 нафар аҳоли истиқомат қилади.

Худуддаги 8350 та оиланинг 325 таси кам таъминланган бўлиб, уларнинг ижтимоий ҳимояси доимий эътиборда. Уйма-уй юриб аҳоли билан мулоқотлар жараёнида худуддаги 1822 та хонадон ўрганлиди ва 324 та муаммо аниқланди. Уларнинг 84 таси жойида ҳал этилди, қолганлари тегишлилиги бўйича мутасаддиларга юборилди.

Эндиликда секторлар фаолияти, демакки, уларнинг раҳбарлари саяё-ҳаракатлари худудларнинг ривожланиш аҳолидаги реал ўзгаришлардан ва бошқа ҳаққоний мезонлардан келиб чиқиб, холисона баҳоланади.

Қарорга мувофиқ, 2019 йилнинг 1 февралдан секторлар фаолиятини ташкил этишда мутлақо янгича тартиб ва тамойиллар жорий этилгани ҳолда 1 апрель санасидан амалга киритиладиган ягона электрон ахборот тизими мазкур йўналишдаги ишлар салмоғи ва қамровини янада такомиллаштириб, самарадорлигини орттиришига кафолат бўлади.

MUNOSABAT

Тизимдаги янгилликлар:

медиацация институти,

интерактив давлат хизматлари



Ойистахон АБДУРАХМАНОВА,
МИБ Андихон вилоят бошқармаси
катта инспектори

Жорий йилнинг 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, 2019 йил 1 апрелдан бош-лаб суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиацация институти жорий этилади.

Медиацация амалга ошири-лаётган пайтда ижро иши 15 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб турилади. Бунда то-монлар ўртасида ижро пред-метига доир келишув расмийла-штирилган ҳолларда ижро иши юритилиши тугатилади.

2019 йил 1 июндан бошлаб, ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бир иш куни ичида ижро иши қўзғатилади (ҳозир-да 3 кун ичида қўзғатилади). Ижро ҳаракатлари кўпи билан ички марта кечиктирилиши (неча марта кечиктирилиши

мумкинлиги қонунчиликда кўрсатилмаган) мумкин.

2019 йил 1 октябрдан mib.uz веб-сайтида бепул асосда

! МЕДИАЦИЯ

Шу ўринда медиацацияга таъриф бериб ўтсак. Келиб чиққан низоини тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули медиацация ҳисобланади.

Ижро ҳаракатлари интерактив давлат хизмати тизими жорий этилади. Ушбу тизим, жумла-дан, Интернет тармоғи орқали

ундирувчи ва қарздор томони-дан ижро ҳаракатини бориши-нинг барча босқичларини куза-тиш, шунингдек, қарзни онлайн

тарзда тўлаш ва ижро ҳужжати бажаририлганлигини қайд этиш мумкин бўлади. Мазкур тизим-дан my.gov.uz портали орқали

ҳам фойдаланиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, қарорга му-вофиқ қуйидагилар жорий эти-лади:

— МИБга шартнома-восита-чилик асосларида сотишга топ-ширилладиган мол-мулкни ин-тернет-дўконлар, жумладан, мобил иловалар, электрон тўлов тизимлари орқали сотиш тартиби;

— бир ой муддатда давлат божлари, маъмурий жарималар ва бошқа тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдалан-

ган ҳолда интернет орқали тўлаш бўйича давлат хизмати;

— уч ой муддатда маъмурий жаримага тортиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишининг соддалаштирилган тартиби. Бунда жаримага тортиш тўғрисидаги қарор топширилган са-надан бошлаб ўн беш кун ичи-да жарима миқдорининг 70 фоизи ихтиёрий равишда тўланган тақдирда, қолган сум-мани тўлашдан овоз этиш на-зарда тутилади.



Кунда бўлмаса ҳам, ҳафтада икки-уч бор масжид, бозорлар ҳамда чорраҳаларда тиланиб турган фуқароларга кўзимиз тушади ва буни одатий ҳол, дея қабул қиламиз. Аммо бундан-да, ачинарлиси, уларнинг бола кўтарганча чорраҳаларда, серкатнов йўлларда ҳайдовчилардан пул сўрашидир. Аксарият ҳолларда бунга ўзимиз сабабчи бўлаётганимиз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. «Худо йўлига садақа қилин!» дея узатилган кўлни гоҳида қуруқ қайтара олмаймиз. Ёмон туш кўрсак, балодан асрайди, дея уч-тўрт сўм атаб юборамиз. Ишимиз юришмай қолса ҳам шу аҳвол. Аммо меҳнат билан топган пулимизни кимга бераётганимиз ҳаёлимизга ҳам келмайди. Балки, ён кўшингиз кўчада ўтирган тиланчидан кўра шу пулга муҳтожроқдир?!

DOLZARB MAVZU

ТИЛАНЧИЛИК КАСБМИ ЁКИ АЙБ?..

Исм-фамилиясини сир тутган ички ишлар ходими ўзaro суҳбатда тиланчилар билан боғлиқ айрим маълумотларни биз билан ўртоқлашди. Буни қарангки, айрим тиланчилар бир ойда ўзига мурувват кўлини чўзган инсондан кўпроқ даромад топишар экан. Баъзилари эса ҳатто тиланишни касб, дея ҳисоблаб, ноқонуний фаолиятларни таққилламоқчи бўлган милиция ходимлари устидан турли идораларга шикоят қилишни ҳам йўлга қўйишди.

Ушбу мақолада бировнинг чўнтагидаги пулни ҳисоблаш фикридан йироқмиз. Бироқ, гунг ва кар, кўзи ожиз фуқаролар турли соҳаларда фаолият юритаётган бир пайтда, етти мучаси соғ одамнинг боқимандалик тўрига ўралиб, тиланиб ўтириши ҳеч бир қуюшқонга сирмайди-да!

Бундан ташқари, бу иллат мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган сай-ҳаракатларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши ҳам эҳти молдан холи эмас. Сўнгги йилларда юртимизни ўз кўзи билан кўришга ошиқайтган ҳо-рихлик сайёҳларнинг сони эса йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2018 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 2017 йилга нисбатан 107 фоизга ошган бўлиб, 4 миллион нафарга етган. Юртимизнинг чиройли гўшаларини, тарихий обидаларни қизиқиш билан кўзатаётган хоржилик сайёҳ қаршидан тиланчининг қиқиши эса унинг дилини хира қилиши мумкин.

Шу ўринда кишини сергак тортишга ўндовчи яна бир хатта аҳамият қаратиш лозим. Илгари тиланчилик билан асосан лўлилар шуғулланган

бўлса, ҳозирга келиб, бу сафга миллатдошларимизнинг ҳам қўшилгани-ю, уларнинг кўпайиб бораётгани ҳам хавотирланишимиз учун асос бўлади.

Аслида тиланчиларни дунёнинг исталган мамлакатиде учратиш мумкин. Шу билан бирга, айрим давлатларда тиланчилик қилганлик учун жазо турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, "Жанубий Қозоғистон" газетасидан олинган маълумотга кўра, 2016 йил январь ойидан Қозоғистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритилган. Энди жамоат жойларда одамларга сурбетлик қилган тиланчи қонун бўйича жазоланади. Яъни, хизматини суллоҳлик билан таклиф қиланганлар ёки ўтган-кетганлардан пул сўраётганларга жазима чораси қўлланилади. Айнан шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазосидан кейин 1 йил ичиде такрорланса, 5 кечакундуз қамоқ жазоси қўлланилади. Россияда эса тиланчилик учун жазо чораси йўқ бўлиб, хайр сўраётган одамнинг хати-ҳаракатида фуқароларга нисбатан майда безорилик аломатлари бор, деб топилсагина, бундай қилмиш кўпи билан 2000 рубл миқдорда жаримага тортишга асос бўлар экан. Шунингдек, 15 суткадан ошмайдиган маъмурий қамоқ ҳам қўлланилиши мумкин.

Испанияда бундай қилмиш учун 750 еврогача жарима таъинланса, Литвада нафақат тиланчилик қилиш, балки хайр қилиш ҳам тақиқланади. Бундай қилмишлар 580 еврогача жарима солинишига сабаб бўлади. Германияда эса тиланчилик учун таъқиқ 1974

Фағруржон АЛИМОВ,
«Нурда»

йилда бекор қилинган бўлиб, бу масалада Австрияни Германия билан ҳамжихат дейиш мумкин. Жумладан, Австрия олий суди тиланчиликни инсон ҳуқуқларининг бир қисми, дея тан олиб, ушбу ҳолат билан боғлиқ бир қанча тақиқларни бекор қилган.

Шу ўринда таъқидлаш лозимки, мамлакатимизда бундай қилмиш учун аниқ жавобгарлик белгиланмаган эди. Жорий йилнинг январь ойида қабул қилинган қонун билан эндиликда Ўзбекистонда тиланчилик ва тиланчиликка мажбурият ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Бу қилмиш биринчи марта содир этилганда маъмурий, маъмурий жазага тортилгандан сўнг такроран содир этилганда эса жиноий жавобгарлики келтириб чиқаради. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодекслари-га янги моддалар қўшилди.

Умид қиламизки, қонунга киритилган ўзгаришлар боқимандалик кайфиятидаги, меҳнат қилмай, енгил йўл билан даромад топишни ўзига касб қилиб олган айрим кимсаларни тўғри, ҳалол йўлга бошлайди. Тиланчилик иллатини ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Тарихий манбааларда ҳатто пайғамбарлар ҳам ризқларини меҳнат қилиб, пешона тери билан топишгани таъқидланади. Масалан, Одам алайҳиссалом деҳқончилик, Нух алайҳиссалом дурадгорлик, Довуд алайҳиссалом темирчилик, Идрис алайҳиссалом эса хаттотлик билан шуғулланган экан.

МАҚСАД тазйиқ эмас, тартиб ўрнатиш

Сарварбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси бошқармаси бош инспектори

Халқимиз азал-азалдан ҳалол меҳнат билан ризқ топишга одатланган. Шу сабабли, бировдан тиланиб, нарса сўрашга ор қилади. Қолаверса, ўтган асрнинг 30-йилларидаги қаҳатчилик даврида ҳам ночор, иқтисодий қийинчиликка учраганлар деярли тиланчилик қилмагани ҳақида эшитганмиз, ўқиганмиз. Шундай бўлса-да, сўнгги пайтда меҳнат қилмай даромад топиш айрим кимсаларнинг даромад манбаига айланиб қолди. Серкатнов йўлларда, чорраҳаларда тиланчилик қилишни одат қилиб олганлар эса нафақат ўзининг ҳаёти, балки транспорт воситалари ҳаракатлишига ҳам хавф туғдирмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси томонидан 2018 йилда 5000 нафардан ортиқ шахс тиланчилик билан шуғулланиб қалаётгани аниқланиб, ИИББ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказига жойлаштирилган.

Мазкур шахсларнинг 4000 нафардан ортигини хотин-қизлар, шу жумладан, 3000 нафардан ошқирогини ёш болали аёллар, 100 нафарга яқини ногирон эркаклар ҳамда 500 нафарга яқини кекса ёшдагилар ташкил қилган.

Таъқидлаш жоизки, 2019 йил 9 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан бундай ҳолатларга барҳам берилди. Эндиликда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги 188-3-моддасига мувофиқ, тиланчилик қилиш ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликка чалинган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек, шахсларга алкоғолли ичимликларни ёхуд таркибиде гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идроқига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этган учун эса ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача жарима ёки 15 суткагача қамоқ жазоси белгиланган.

Жиноят кодексига киритилган янги 127-1-модда тиланчилик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, 240 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилгача озодликни чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланишни кўзда тутди.

Ўқорида санаб ўтилган шахсларни жалб этган ҳолда тиланчилик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 360 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида	Шундан	479	нафари меҳнатга лаёқатли.
575 нафар тиланчилик билан шуғулланиб юрган шахс ушланган.	17	нафари вояга етмаганлар	
	478	нафари 18-60 ёшгача бўлганлар	
	61	нафари 60 ёшдан ошганлар	
	19	нафари ногиронлар	

Тиланчиликка жалб этиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб, бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга мажбурлаган ҳолда содир этилган бўлса, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таъқидлаш лозимки, қонунда муайян жавобгарликнинг белгиланиши тарғибот ва тарбия вазифасини ҳам ўтайди. Чунки жавобгарликнинг ўзи ҳам кўпчиликни бундай қилмишлардан қайтаради. Шунингдек, бу борадаги тарғибот ишларини ҳам қучайтиришимиз керак.

Ҳозирги пайтда қонун ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тиланчиларнинг "иш жойлари", улардан фойдаланиб даромад олаётганлар аниқланиб, таҳлил қилинмоқда. Иқтисодий қийинчилик орқали бундай ишга мажбур бўлганларнинг ҳолати ўрганилиб, уларга ёрдам бериш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда.

Хулоса ўринда айтиш лозимки, қонуннинг вазифаси фақат жавобгарликка тортиш эмас, балки жамиятга тартиб ўрнатишдир. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши эса жамият ҳаётидаги бир иллатни бартараф этишга, жамоат жойларида бу борада тартиб ўрнатилишига хизмат қилади.

Жорий йил 18 март куни «Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

21-MART 2019-Y.
HUGUQ № 12
(1157)

3

БУГУН АСРАМАСАК, ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

Ўртимиз ер майдонининг тўртдан бир қисми ўрмон фонди ҳисобланади. Фонднинг 300 дан ортиқ ўсимлик ва 180 дан ортиқ ҳайвон турлари «Қизил китоб»га киритилган бўлиб, улардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, кўриклаш, улардан фойдаланиш ва кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ўрмон хўжалиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда соҳада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган даврда 47 минг гектар янги ўрмонлар барпо этилди. 263 тонна турли дарахт ва бутта уруғлари тайёрланиб, 700 гектардан ортиқ майдондаги кўчатхоналарда 41 миллион донна ниҳол ва кўчатлар етиштирилди.

Ўрганишларда соҳада ижобий ишлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани маълум бўлди. Жумладан, ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилмагани, товарлар, ишлар ва хизматларнинг ҳақини

ундириш чоралари кўрилмагани оқибатида дебитор қарздорлик 14,7 миллиард сўмини ташкил этган. 29,6 минг гектар ер майдони юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган. Шундан 23,5 минг гектар ер майдони ўрмон фондига қайтариб олинган.

Салкам 30 минг гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган.

Айрим мансабдор шахслар томонидан ўрмон ер фондлари талон-торож қилинган. Масалан, Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги, Самарқанд туман ҳокимлиги ва бошқа мансабдор шахслар мансаб ваколатидан фойдаланиб,

ҳужжатларни сохталаштириган ҳолда 57,9 гектар майдонни фуқароларга ноқонуний равишда бериб юбориб, ўрмон хўжалиги манфаатига 1,4 миллиард сўмлик зарар етказилган.

Бундан ташқари, ўтган йилда 566 та ҳолатда ўрмон хўжаликларидаги дарахтлар ноқонуний кесилиб, ўсимлик дунёси 1,1 миллиард сўмлик зиён кўрган.

Қўмита ва унинг тизимидаги ўрмон инспекторлари томонидан 1 490 та ҳолатда (566 та ноқонуний дарахт кесиш, 718 та мол боқиш, 26 та ноқонуний ов қилиш, 180 та бошқа ҳолатлар) ўрмон фондига 3,6 миллиард сўмлик зарар етказилгани аниқланган бўлса-да, мутасадди раҳбарлар зарарни ундириш чораларини кўрмаган.

Шунингдек, хўжаликларнинг мансабдор шахслари томонидан богдорчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 183 нафар

фуқарога пудрат шартномаси асосида берилган ер майдонларидан 757 миллион сўм даромад олинган бўлса-да, 57 миллион сўм миқдордаги даромад солиғи тўланмасдан, давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда моддий зарар етказилган.

Поп ихтисослашган давлат ўрмон хўжалиги мансабдор шахслари хўжаликка қарашли бог ва экин майдонлари учун тузилган пудрат шартномала-

Аниқланган 3,6 миллиард сўмлик зарар мутасаддилар томонидан ундирилмаган.

рини "Давлат мулкни ижарага бериш марказ"лари орқали рўйхатдан ўтказмаганлик-

Шавкатжон РАҲИМОВ,
Бош прокуратура
бошқарма катта прокурори

лари оқибатида, маҳаллий бюджетга ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасига тўланиши лозим бўлган 165 миллион сўм миқдордаги маблағни тўлаб бермаган.


Бундан ташқари, тизимда доривор ва озуқабоп ўсимликлар хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ҳамда улардан мақсадли фойдаланиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли доривор ўсимликларни экспорт қилиш чоралари умуман кўрилмаган. Экспортбоп маҳсулот етиштириш учун моддий-техник база такомиллаштирилмаган, қадоклаш ва сақлаш учун зарур бино ва иншоотлар ҳамда логистика тизими ташкил қилинмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан соҳа мутасаддиларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

DASTUR VA IJRO

КУТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги фармони билан умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutuvchi 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури билан бешта устувор йўналиш бўйича 274 та чора-тадбирлар ва вазифалар белгилаб берилди.



Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси бўйича давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш мақсадида 34 та вазифалар амалга оширилиши кўрсатилди.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, маъмурий, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 15 та устувор вазифалар амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, иқтисодийetni ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишлар сифатидаги муҳим вазифалар ҳам Давлат дастуридан жой олган.

Исломбой САМИЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Давлат дастурининг 32 та банди бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши ва лойиҳаларнинг ишлаб чиқишида Бош прокуратура ва унга бўйсунувчи тузилмалар иштирокининг белгиланиши прокуратура органлари нафақат назорат, балки давлат дастурининг амалга оширилишида ҳам етакчи оҳро бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Тошкент вилоятида Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш, хусусан, Иқтисодий эркинлик индекси бўйича давлатнинг яхлитлиги ҳамда бизнес эркинлиги кўрсаткичларида, "Doing business" индекси бўйича контрактлар ижросини таъминлаш кўрсаткичларида, Хуқуқ устуворлиги индекси бўйича коррупциянинг йўқлиги, асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, ҳокимият институтларининг шаффофлиги, норасмий одил судлов, қонунларга риоя этиш кўрсаткичларида, Коррупцияни қабул қилиш индекси кўрсаткичларида, Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси бўйича фуқаролар эркинлиги кўрсаткичларида юқори даражага эришиш учун масъул этиб белгиланиши бунинг исботидир.

Инсон ҳамиша ўзи ва оиласининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда харажат қилади. Энг асосийси, ҳар биримиз ишлаб топган пулимизга сифатли ва соғлиғимиз учун фойдали бўлган маҳсулотларни харид қилишни истаймиз. Аммо баъзан бу истак кўнгилдагидек амалга ошмаяпти.

Савдода ҳалоллик, харидда хотиржамлик бўлсин!

Яқинда бир танишим машҳур маркетларнинг биридан ёш боласи учун каша харид қилгани, маҳсулотнинг яроқлилик мuddати ўтганини эса уйда билиб қолиб, дарҳол алмаштириб келганини айтиб берди. Шаҳримизнинг баъзи бир бозорларидаги кичик дўконларида сотилаётган "Янтарний сыр", "Растишка", "Моли" каби йогурт маҳсулотларининг мuddати ўтганига гувоҳ бўлдик. Бундай ҳолатлар бошқа дўконларда бўлмаслигига ким қафолат беради? Ахир бу турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини асосан ёш болалар истеъмол қилишади-ку!

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътиборингизни қаратишни лозим топдик: Айрим дўконларда кассага бориб, харид қилган маҳсулот учун тўловни амалга оширмакчи бўлганимизда нархлар ўртасидаги тафовит биланиб қолади. Сўраб-суриштирганингиздан кейин эса маҳсулот нархи ўзгаририлган, аммо янгисига алмаштириш "унутилган"и ҳақида маълум қилиб, "узр сўрашади". Шунингдек, пластик карточкадан ечиб олинаётган сумма хато киритилиши, масалан, 7 минг ўрнига 70 минг сўминг олиб қолиниши ёки бир дона маҳсулот харид қилинганда, иккита олинди, дея чекларга хато ёзилиши каби ҳолатлар ҳанузгача учраб турибди. Кассада ўтирган сотувчилар эса "билса ҳазил, билмаса чин" қабалида иш юритиб, бу каби ҳолатларга осонгина кўз юмишмоқда. Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мазкур масалага дахлдор бўлган маъсул шахсларнинг фикри билан қизикдик.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси бўлим бошлиғи Шерали Сатторов:

— Кундалик ҳаётимизда барчамиз истеъмолчи ҳисобланамиз. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси эса савдо, табиий газ, сув ва электр таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиши, алоқа, соғлиқни сақлаш, транспорт ва бошқа соҳаларда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Жумладан, ўтган йил федерацияга келиб тушган ариза ва шикоятларнинг 12 292 таси ижобий ҳал этилиб, истеъмолчилар фойдасига жами 7 миллиард 824 миллион 700 сўмликдан ошқ етказилган зарар қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

— Бозор ёки дўконларда мuddати ўтган, сифатсиз ёхуд қалбаки маҳсулотлар аниқланганда, федерация томонидан қандай чоралар қўлланилмоқда?

Агар истеъмолчиларнинг харид қилган товарлари сифатсиз ёки талабга жавоб бермаса, федерация мутахассислари томонидан мавжуд муаммо изчил ўрганиб чиқилади. Бугунги кунда федерация томонидан "Истеъмол-

чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда федерация кенгаши томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг марказий ва ҳудудий ижро этувчи органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг ижросини таъминлаш борасида аҳолининг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинапти.

Бундан ташқари, истеъмолчи федерацияга аъзо бўлса, федерация судда унга моддий ва маънавий зарарни қоплаб бериш учун ишончли вакил сифатида қатнашади, истеъмолчи давлат божларини тўлашдан озод этилади. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқлари бузилаётган бўлса ёки фирибгарлик ҳолати аниқланса, зудлик билан федерациянинг ҳудудий бирлашмаларига ёки 1091 қисқа рақамли "Ишонч телефони"га мурожаат қилиш лозим. Масалан, жорий йилда федерация томонидан Фарғона вилоятида пластик идишларда қадоқланган "Антиқа олам" пахта ёғи таркибида совун қолдиги мавжудлиги, кислота миқдори ҳам меъёрдан ортиқлиги аниқланди. Пахта ёғи ёрлиги давлат стандартининг 5.3.1-банди талабларига номувофиқ бўлиб, ёритилиши лозим бўлган маълумотлар тўлиқ берилмаган. Маҳсулот миқдори, меъёрий ҳужжат белгиси ёрликларда кўрсатилмаган ва энергетик қийматлари нотўғри ёзилган. "Антиқа олам" ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчиси "Шаҳриёр Элёр" оилавий корхона раҳ-



Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Ҳуқуқ»

Товарларни чет эл валютасида экспортта реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Бундан ташқари, ҚҚС бўйича қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш чоралари кўрилмақда.

Хусусан, ҚҚС тўловчиси бўлмаган корхона томонидан ёзиб бериладиган ҳисобварақ-фактураларда ҚҚС суммасини акс эттириш тақиқланади. Солиқ кодексининг 118-моддасига мувофиқ, ҚҚС солинмайдиган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда, шунингдек, ҚҚС тўловчиси бўлмаган маҳсулот етказиб берувчилар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишда ҚҚСни ҳисобварақ-фактурада акс эттирилган маҳсулот етказиб берувчиларга ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган ҚҚС суммасининг 20 фоизи миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчи ҳисобварақ-фактурада кўрсатилган солиқ суммасини бюджетга тўлаши шарт.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва солиқ мажбуриятларининг баҳарлишида корхоналарнинг маъмурий харажатлари ошиб кетишига йўл қўймайлик мақсадида жорий қилинмоқда. Шу жумладан, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини айланмаси 3 миллиард сўмдан ошмайдиган корхоналар қўллаши мумкин. Мазкур тартибга ўтиш солиқ органларига белгиланган шаклда тақдим этилган аризага асосан амалга оширилади. Эътиборлиси, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби акцизоти товарлар ишлаб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдаланувчи корхоналарга нисбатан татбиқ этилмайди.

Соддалаштирилган тартиб бўйича қўшилган қиймат солиғи харид қилинган товар (иш, хизмат)лар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олманган ҳолда соф тушумдан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқарилади.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчисига айлиниб, биз республика иқтисодиётида кучли кооперация, ошқора тадбиркорлик фаолияти ва давлат бюджетига барқарорлигига катта ҳиссамизни қўшган бўламиз!

Хулоса ўрнида мазкур мавзунинг узвий давомий сифатида ўзимиздаги мавжуд муаммолар ҳал этилар, саволларга жавоблар ҳам топилар, деб ҳисоблаймиз. Аммо хорихий давлатлардан кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва таркиби биз учун жумбоқ. Бу борада газетамизнинг навбатдаги сонларида соҳа мутахассисларининг фикрини кутиб қоламиз.

рибгар тадбиркор Навоий вилоятига ҳудди шундай ёғ қадоқлаб жўнатган.

Сўнгги пайтларда йирик савдо дўконларида харид қилинган товарлар учун берилётган тўлов чекларида маҳсулот нархиغا ҚҚС 20 фоиз (ҚҚС-қўшилган қиймат солиғи) дея, тўловнинг фоизи кўрсатилган ёзувлар кўзга ташланмоқда.

Бугун маҳсулотларнинг сифати, яроқлилик мuddати, таркиби долзарб аҳамият касб этиб турган бир пайтда, қўшилган қиймат солиғи ҳам улар қаторидан жой олди. Бу ўз навбатида, турли саволларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, қўшилган қиймат солиғи нима? Бу турдаги солиқ қайси маҳсулотларга нисбатан қўлланилади? ҚҚС (НДС) товар-маҳсулотлар сотувида барча дўконларда ҳам бир хилда қўлланилгандими?

Солиқ тизимининг янги ислохотларидан бири бўлган, қўчиликнинг қизиқишига сабаб бўлаётган товарларга белгиланган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўғрисида **Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармасининг бўлими катта тафтишчиси Ҳаёт Имомовдан** маълумот беришни сўрадик.

— Дарҳақиқат, бугунги кунда солиқ тизимидаги катта ўзгаришлардан бири — қўшилган қиймат солиғи тўғрисида маълумот олиш истагида бўлган хариддорлардан ҳамда тадбиркорлардан қўлаб мурожаатлар бўлмоқда. Шу сабабли солиқ соҳасининг мутахассислари томонидан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда бюджет билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш учун кенг қамровли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда.

— Қўшилган қиймат солиғи қандай ҳисобланади?

— Аввало, солиқ солинадиган оборотлар бўйича ҚҚС солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан Солиқ кодексининг 218-моддасига мувофиқ, ҳисобга олинмайдиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

— Сўнгги пайтларда дўкон расталарида маҳсулотларнинг аксарияти юртимизда ишлаб чиқарилганини кўриб, кўз қунайдими, фахр ҳиссини туяемиз. Қўшимча қиймат солиғини маҳсулотлар импорти ва экспортга нисбатан қўллашда тафовутлар борми?

— Албатта, бор. Ташки иқтисодий муносабатларда қўшилган қиймат солиғини қўлашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.



бари Шаҳриёр Дониёровнинг айтишича, кимдир уларнинг брендидан фойдаланиб, сифатсиз маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган экан. Шунга ўхшаш ҳолат юзасидан бир неча кун аввал ҳам Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилоят бошқармасига ариза билан мурожаат қилинган эди. Текширув ва ўрганишлар натижасида 5 литрлик ёғ қадоқланадиган яширин цех топилган. Яна бир фи-

Ўзбекистонда қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш тартиби тасдиқланди. Унга кўра, қазиб олиш учун лицензиялар "E-AUKSIOM"даги савдо яқунлари бўйича 3 йил мuddатга берилади.

ЯНГИЛАНИШ РУҲИ —

ҚАЛБИМИЗДА, ОНГУ ШУУРИМИЗДА

Борлиқни ажиб
ифорга буркаб
ўлкамизга уйғониш ва
янгилашиш
лаҳзаларини тухфа
этувчи фасл — баҳор
кириб келди. Ҳар
фаслни ўз хислати ва
фазили билан кутиб
олишга ўрганганмиз.

Шу боис ҳам ҳар
баҳорни соғинч ила
кутадиган қалблар бу
йил уни ўзгача қабул
қилди. Кўклам
остонада узоқ туриб
қолмади. Аксинча,
қишнинг кўзларидаги
мудроқликни илғади-
ю, борлиққа ям-яшил
сепини ёзиб юборди.

Юнон файласуфи Зенон "Табиат билан тотувликда яшамоклик, эзгулик билан аждил бўлмок демакдир", деган эди. Инсон ўзини ва ўзлигини танигандан бери табиатга, борлиққа ўз сезгилари ва муносабатини бирон-бир шаклда билдириб келган. Бу сезги ва муносабатлар даставвал табиат мадҳияси бўлиб янраган. Буни Шарқ халқлари тарихида Наврўз мисолида кўрамыз. Қадимий ҳисоб бўйича, Наврўз фақат йилнинг эмас, баҳорнинг ҳам бошланиши. Аслида бизда баҳор фаслининг бошланиши 1 мартдан эмас, 21 мартдан ҳисобланган. Наврўз одамларни ҳаётда яшаш ва курашга чорлаган, табиат гўзалликлари тилсимотидан баҳраманд, хабардор қилган. Шу боис ҳам халқ Наврўзни аччиқ замонлар қаъридан, тарих тўфонларидан асраб-авайлаб олиб ўтган.

Истиқлолга эришганимиздан буён юртимизнинг каттакич шаҳарларида, қишлоқ ва овулларида, тоғу чўлларида Наврўз айёми алоҳида эътибор ва зўр кўтаринчилик билан ўтказиб келинмоқда. Чунки у Тангри инояти билан халқимизнинг асрий орзуларидан яралган илоҳий байрамдир. Шу кун табиат ёшаради, гуллар табассум қилади, ўт-ўланлар ва гуллар ифори атрофи тутади, катта-ю кичик шодланади, борлиқ сулув келинчакдек кўрк ва тароватини намойиш этади. Кишилар ям-яшил майсаларга боқиб қувонадилар, қалбларида келажакка ишонч туйғуси жўш уради.

Баҳор шукҳи билан сарафроз бу айём овоз ва обод юрт қадриятлари, эзгу ниятлар, энг олижаноб инсоний муносабатларни ўзида мужассам этиши билан ҳам янада қадрли ва кўнгилларга яқин. Баҳор-



Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Нурқо»

ям-яшил япроқчалар билан безанди...

Табиат шундай онаки, у ўғайни билмайди. У — оналар онаси.

Ифтихор

1990 йил 3 майда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва фармони билан Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш кунини деб эълон қилинган эди.

2010 йил 19 февралда бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеясининг 64-сессиясида эса бир қатор мамлакатлар тақлифи инобатга олиниб, 21 мартни Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилиш ҳақида резолюция қабул қилинган. Дунё халқларининг бир қисми неча минг йиллардан буён Наврўзни — янги йил, табиатнинг уйғониш фасли, баҳор байрами сифатида нишонлаб келади. Болқон ярим ороли, Қора ва Каспий денгизлари атрофи, Кавказ, Марказий ва Жанубий Осиё ҳамда Яқин шарқ мамлакатларида Наврўзни эъзозли айём сифатида байрам қилишади.

Ҳа, юртимизда баҳор байрами, кўклам қўшиғи, Наврўзи олам кезиб юрибди. Наврўз баҳона бугун ҳар бир хонадонда, маҳалла, қишлоқ, қорхона, ташкилот ва ўқув юртиларида тўқин дастурхонлар ёзилган, ўйин-кулгу, шоду хуррамлик авжида. Қарияларимиз фотиҳага кўл очиб, "Илоҳим, кунларимиз ҳаминша Наврўздай шодидна ўтсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўқин-сочин бўлсин! Ёмонлик кўрмайлик!", дея тилак билдиришмоқда.

Янги йил Наврўздан маълум, деганларидек, бу йил қадимий ва ҳаминша навқирон Наврўзимиз янада хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аслида халқимиз учун баҳор, кўклам кириб келишининг ўзи бир байрам. Баҳорнинг шундай шукҳули кезларида ўзимиз ҳам она табиат билан ҳар қачонгидан кўра кўпроқ яқинлашиб, уйғунлашиб кетамиз. Зеро, баҳорни соғиниш — олам ўзгаришини, мусаффоликни кўмсадири. Наврўзни соғиниш эзгуликни, табиат кенгликларини, дала-дашларни соғиниш эканини ўйлаганимда шоир Равшан Файзнинг қуйидаги сатрлари ҳаёлимдан ўтади:

Тоғларнинг тўшида
эриётир қор,
Қорларга термулиб
эрийди кўзим.
Ҳоримай соғ-омон
келдингми, баҳор,
Келдингми, қадими қутлуғ
Наврўзим!

Бундай пайтда шундай мустақил юртда, тинчлик замонда яшаётганингдан қалбинг қувончларга тўлади, дилингда пок туйғулар жўш уради. Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, яхши кунларимиз кўп бўлиб, байрамлар байрамларга уланаверсин, деган эзгу тилаклар билдиринг келади.

Эзгуликка ундовчи байрам

Ушбу энг гўзал, нафис ва эзгуликка ундовчи байрамнинг ҳаётимиздаги ўрни, аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўпминг йиллик тарихимизда кўплаб дostonлар, ривоятлар, кўшиқлар ва қасидалар битилган бўлса-да, барибир унинг таърифини келтириш қийин. Шунинг учун ҳам ушбу қадимий ва энг ардоқли, асл миллий байрамимиз бўлган Наврўзнинг ҳар биримизнинг қалбимизга, руҳиятимизга таъсири ўзгача. Беҳизга Наврўз кириб келиши билан қадим замонларда уруш-жанжаллар, низо ва адоватлар барҳам топмаган. Наврўз кунларида одамлар ўртасидаги гина ва аразлар унутилган, аксинча, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ва тотувлик янада кучайган.

Қадимда Наврўзга тайёр-гарликнинг ўз расм-русумлари, одобномаси бўлган. Шулардан энг муҳими бўлмиш уч ойлик қишнинг рутубатли кунларидан сўнг уюштирилган ҳашарларда маҳаллалар, қишлоқлар, кўча ва хиёбонлар

обод қилинган, ариқ ва зовурлар тозаланган. Чорвоғу боғроғлар тартибга келтирилган. Гул ва дарахт кўчатлари ўтқазилган. Энг муҳими, одамлар руҳан покланишган, бир-бирларига яхшилик тилаганлар.

Бугунги кунда ҳар бир маҳалла ва қишлоқдаги муҳтож, кам таъминланган оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Худудлардаги тарихий қадамжолар, зиёратгоҳ ва қабристонлар ободонлаштирилмоқда. Наврўз байрами муносабати билан юртимизда олиб борилган кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари теварак-атрофга кўркамлик, гўзаллик ва орасалик бахш этган бўлса, хайрия ишлари кўнгилларни обод ва мунаввар этди.


Оналар онаси

Бодом, олма, шафтоли... Баҳор ташрифини иллаган довдарахтлар улуг бир ишга ҳозирлик кўра бошладилар. Уша атрофда кекса бир тол дарахти ҳам бор эди. Ёш, бақувват дарахтларнинг новдалари қизғиш тус ола бошлади. Ва кўп ўтмай яшил куртаклар маржондек тизилди.

Кекса толнинг танаси эса ғадир-будур, ярами қурий бошлаган эди. Шохлари тўмтоқ, қадди эгик, ўз бошидан кўп замонларни ўтказган, яхши-ёмон кунларни кўрган. Гоҳ болта, гоҳ дасткалла зарбидан озор чеккан, кўнгли ўқсик бу дарахт гўё ўз ҳолатидан хижолат чекаётганидан мунгайиб турарди.

Бу ҳолни пайқаган баҳор мўъжизакор бармоқлари билан унинг ҳам бошини силади. Шунда дарахт вужудига гулдурос солиб ҳаёт — тириклик шарбати югура кетди. Кекса толнинг нуроний чеҳрасида табассум жилваланди. Ва у





АСТОЙДИЛ ИШЛАГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ишчи гуруҳлар галла майдонларида мониторинг тадбирларини ўтказишмоқда, қарор мазмун-моҳиятини унинг ижроси учун масъул бўлган тегишли идоралар, корхона ва ташкилотлар ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарларига тўлиқ етказишмоқда.

Бошоқли дон экинларига талаб этилган сувни ўз вақтида ва тўлиқ етказиб бериш ҳамда сувдан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида фермер хўжаликлари кесимида галла майдонларини сугориш бўйича графиклар ишлаб чиқилган. 23 550 та хандақлар қазилиб, шарбат усулида сугориш йўлга қўйилган. Бошоқли дон экинлар ер майдонларига мавсум давомида 82 минг 390 тонна маҳаллий ўғит чиқарилган.

2019 йил ҳосили учун дон етиштиришга 369 миллиард 420 миллион сўм миқдорига моддий ресурслар ажратилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 153 миллиард 550 миллион сўм пул маблағлари ўзлаштирилган. Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик дон харида, иш ҳақи, лизинг ва бошқа тўловлар учун имтиёзли кредит маблағлари берилган. Шунингдек, 4371 та фермер хўжалиқларига бошоқли дон экинларини иккинчи марта озиклантириш учун қўзда тутилган 10 минг 770 тонна минерал ўғитларнинг тўлиқ етказиб берилиши таъминланган.

Мониторингларда аниқланган камчиликларни бақтариф этиш хусусида туман-шаҳар ҳокимлари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари номига 14 та тақдирнома киритилди. Бунга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг 3 нафари интизомий, 2 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 4 нафари огоҳлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январь кунги "Фермер хўжаликлари ва бошқа

қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида вилоятда пахта-галлачилик йўналишида жами 246 минг 58 гектар майдонда фаолият юритган 4017 та фермер хўжаликлари негизда 2081 та фермер хўжаликлари қайта ташкил этилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш манбалари — чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорларга Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг, ҳукуматимизнинг ушбу соҳаларни ривожлантиришга оид қарорлари мазмун-моҳияти, яратилаётган қулай имконият ва шарт-шароитлар, ҳавола этилаётган имтиёзлар батафсил тушунтирилмоқда.

Вилоятда 86 та паррандачилик корхоналари фаолият юрียтапти. Улардаги 2 миллион 831 мингта паррандани озуқа рационидан келиб чиқиб парвартириш учун бир йилда 133 минг 41 тонна озуқа, шу жумладан, 53 минг 726 тонна бугдой талаб этилади. Булардан 831 мингта паррандани озуқа рационидан келиб чиқиб парвартириш учун бир йилда 133 минг 41 тонна озуқа, шу жумладан, 53 минг 726 тонна бугдой талаб этилади. Булардан 831 мингта паррандани озуқа рационидан келиб чиқиб парвартириш учун бир йилда 133 минг 41 тонна озуқа, шу жумладан, 53 минг 726 тонна бугдой талаб этилади. Булардан 831 мингта паррандани озуқа рационидан келиб чиқиб парвартириш учун бир йилда 133 минг 41 тонна озуқа, шу жумладан, 53 минг 726 тонна бугдой талаб этилади.

УЮШМАГА АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

Парранда озуқаси ва бугдой хомашёси биржада эркин савдолорда сотиб олиниши тухум ва парранда гўшти етиштиришнинг камайишига ва нархлар ошиб кетишига, парранда бош сонларининг камайишига сабаб бўлмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, паррандачилик хўжалиқлари 1 килограмм бугдойни (биржа савдолари орқали) эркин нархларда 2 100 сўмдан сотиб олишса, 112 миллиард 824 миллион сўм сарфланади. Аксинча, 1 килограмм бугдой хўжалиқларига "Паррандасаноат" уюшмаси томонидан тақдим этилган рўйхат асосида (соҳага доир корхоналар ўртасида) биржа савдолари орқали 1 250 сўмдан сотилса, жами 67 миллиард 157 миллион сўм маблағ талаб этилиб, 45 миллиард 667 миллион сўм хўжалиқлар ихтиёрида қолади. Вилоятдаги 86 та паррандачилик хўжалиқлари Республика "Паррандасаноат" уюшмасига аъзоликка киритилиши таъминланганда, бир йиллик аъзолик бадал 576 миллион сўм, жами бадал 1 миллиард 57 миллион сўмни ташкил этади. Хўжалиқлар тежаб қолинган маблағлар ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириши, янги замонвий тежамокор технологияларни қўллаш ҳисобига тухум ва парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми оширилишига эришади. Бу эса ўз навбатида, маҳсулот етиштириш таннархининг пасайиши, хўжалиқларнинг молиявий барқарорлиги таъминлинишига замин яратди.

Вилоятда жорий йилда парранда бош сонини 6 миллион 550 мингтага етказиш, 409 миллион тонна тухум етиштириш, 22 минг 300 тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш, 2 миллион 758 минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилишнинг прогнорда кўрсаткичлари белгиланган. Ана шу мақсадда "Ўзсановат-қурилишбанк" Фарғона минтақавий филиали кредитлари ҳамда ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 45 миллиард 980 миллион сўмлик 25 та лойиҳа шакллантирилмоқда.

Мамлакатимизда интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонвий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш, ушбу тармоқни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимизнинг "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Соҳада тўлиқ тизимли (инкубация цехи, чавок ва товар балиқ етиштириш, юқори оксилга бой балиқ еми, қайта ишлаш ва сақлаш) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган балиқчилик кластерлари ташкил этила бошланди. Кластерларнинг йиллик балиқ етиштириш қуввати камида 50 тонна бўлганда жорий йилнинг 1 январидан эътиборан дастлабки уч йил давомида барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилиши белгиланган. 2021 йил 1 ноябрга қадар

Фарҳоджон ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

насли она балиқ, балиқ увилдириги, интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ овлан, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, музлатиш ва сақлаш учун зарур бўлган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, четдан келтириладиган асбоб-ускуна, махсус техникалар, транспорт воситалари, омухта ем ва минерал ўғит ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан озод этилмоқда.

Вилотимизда 382 та балиқчилик хўжалиқлари 4439 гектар сунъий қўллар, ярим интенсив қўллар, чавоқ етиштирувчи ҳавзалар, табиий сув ҳавзалари (сув омборлари), кичик сув ҳавзаларида фаолият олиб бормоқда. Утган йили режага нисбатан 2 минг 600 тонна кам, жами 12 минг 400 тонна балиқ овланган. Жорий йилда 20 минг тонна балиқ етиштириш режалаштирилган. Озуқа рационидан келиб чиқиб, балиқчилик хўжалиқларига 10 минг 200 тонна бугдой ва 3551 тонна минерал ўғит (аммофос) талаб этилади.

УЮШМАГА АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ

Балиқчилик хўжалиқлари 1 килограмм аммофосни очик биржа савдолари орқали эркин нархларда 4500 сўмдан сотиб олишди. "Ўзбек-балиқсаноат" уюшмасига аъзо бўлишса, тақдим этилган рўйхат асосида ёпиқ биржа савдолари орқали мазкур ўғитни 3320 сўмдан харид қилишлари мумкин. Бу билан 4 миллиард 190 миллион сўм маблағ тежалди. Уюшма аъзоси сифатида балиқчилик хўжалиқлари минерал ўғит ва омухта еми ёпиқ биржа савдосида харид қилганларида очик биржа савдосида сотиб олинганига нисбатан 13 миллиард 370 миллион сўм маблағ тежалади, даромад кўпаяди. Хўллас, тежамада аъзо бўлиб, астойдил ишлаган кам бўлмайди.

Вилоятда балиқчилик соҳасини ривожлантириш учун "Ипотекабанк" Фарғона ва Қўқон филиаллари кредитлари ҳисобидан умумий қиймати 22 миллиард 690 миллион сўмлик, ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2 миллиард 730 миллион сўмлик 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

JARAYON

Фириб "объект"и

Фуқароларимиз ишонувчанлик, қонунни яхши билмаслиги, аксарияти эса мақсадига ноқонуний йўллар билан тезроқ эришишни соҳлаганликлари учун фирибгарлар "қармоғи"га тушиб қолади-лар. Улар фирибгар тузоғига тушганларини билдириб, унга берилган маблағлар қайтарилмаслигини тушунгандан кейингина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишади.

Ишга жойлашиш орзуси фуқаро Умар Саидов (исм-фамилиялар ўзгартirilган)ни фирибгарларга рўпара қилди. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга қарашли корхоналарнинг бирига ишга кириш учун

1600 АҚШ доллари ва 450 минг сўм пулларни ўз қўли билан фирибгарга берганлигини, орадан бир неча ойлар ўтгандан кейингина тушуниб етди.

Аброр Расулов ҳамда Хурсанд Дадаев суҳбатларда гўё

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖда катта лавозимларда ишлайдиган танишлари борлигини иттифоқ қилиб, ишга кирмоқчи бўлганларга ёрдам беришни айтишарди. У.Саидов ҳам уларнинг гапига лаққа тушди. Савдолашиб, икки фирибгарга пешона тери билан йўқан маблағини қўшқўллаб топширди. Аммо ишдан дарак бўлмади. А.Расулов ва Х.Дадаев олган пулларини қайтаришни хаёллари ҳам келтиришмасди. Аксинча, турли бахоналар билан У.Саидовнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб юрaverишди. Шундан кейин у ҳуқуқни муҳо-

фаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.


Буни қарангки, А.Расулов ва Х.Дадаев "Ўзбекистон темир йўллари" АЖни ўзларига "объект" қилиб олиб, яна бир неча нафар фуқарони чўч туширишган экан. Жумладан, Н.Қирғизовни ҳам 1600 АҚШ доллари эвазига жамиятга қарашли корхоналардан бирига ишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, пулларни қўлга киритгач, қораларни ҳам кўрсатмай кетишган.

Тергов жараёнида уларнинг қилмишлари ошкор бўлди. Айбланувчилар судда айбларини

Толибжон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратурининг
катта ёрдамчиси

тан олишди. Жабрланувчиларга етказилган зарарларни қоплашди. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг ҳукми билан А.Расулов ва Х.Дадаевга тегишли жазо тайинланди.

Айни шу ҳолатни таҳлил қилар эканмиз, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни, саводхонлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ойдинлашаверади.



йил октябрь-декабрь ойлари оралигида пул кўчириш йўли билан 2 миллиард 450 миллион 221 минг 300 сўмлик юқори ликвидли алкоголь маҳсулотларини сотиб олиб, уларнинг нақд пулга чакана сотувини йўлга қўйган. Сотувдан тушган 1 миллиард 432 миллион сўмдан ошқ пулларни чўнтакка уриб юрверган.

Савдо қоидаларини бузаётган Ш.Абдухайров ҳамда Ч.Шойимовалар савдодан тушган пулларни назорат-касса

йил январь-февраль ойларидан сотиб, савдодан тушган 7 миллиард 316 миллион сўм нақд пулларни ўзлари билган "усул"да ўзлаштириб, такроран қонун бузилишига йўл қўйиб келишган.

Шоҳмирзо Абдухайровнинг мушугини "пишт" дейдиган топилмагач, лицензияси бўлмаганда, юк ташиш техника хизмати кўрсатиш, турли хилдаги автомобиль эҳтиёт қисмларини сотиш билан бемалол шуғулланиб юрверган.

Валютафурушнинг найранглари

Президентимизнинг "Валюта сибсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, юрдошларимизга валюта маблағларини айирбошлаш учун катта қулайликлар яратилди. Лекин ҳали ҳамон осон ва мўмай даромад топишни кўзлаб, ноқонуний йўл билан валюта олди-сотдиси билан шуғулланаётган шахслар учраб турибди.

Бош прокуратура ҳузурдаги Департаментнинг Хонқа туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Пахтакор маҳалласида яшовчи фуқаро Сотимбой Оминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) туман марказидаги озиқ-овқат дўконларининг би-

Жуманазар САЛАЕВ,
Департаментнинг
Хоразм вилоят
бошқармаси бўлим бошлиғи

рида ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланиб келаётганлиги фош этилди. Сотимбой Оминов навбатдаги хариддорга ўзи ишлаб келаётган дўконда 3300 АҚШ доллари 27 миллион 984 минг сўмга сотган вақтда қўлга олинди.

Тадбир якунида ҳолислар иштирокида қонунбузарнинг буюмлари қўздан кечирилганда, унинг ёнида 1435 АҚШ доллари, 3000 Россия рубли ҳамда 134 минг сўм ўзбек сўми борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан ушбу фуқарога нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Учинчи

қаватдаги савдо

Дилшод ТОШТЕМИРОВ,
Департаментнинг Чилонзор туман бўлими бошлиғи

Айни вақтда барча тижорат банкларида валюта айирбошлаш шохобчалари фаолият юритмоқда. Кўпчилик фуқаролар валюта олиш ва уни сўмга алмаштириш операцияларини эркин амалга оширяпти. Валютани нақдлаштириб олиш учун махсус банкоматлар ҳам ўрнатилган. Лекин ҳанузгача валютафурушларнинг хизматидан воз кеча олмаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Айни шундайлар боис, ҳамон айрим кимсалар "қора бозор"да фаолият юритишдан кўнгил узоқламапти.

Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан бундай ҳолатларга барҳам беришга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Мисол учун, Жамшид Қобилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган), Зокиржон Собиров, Ғуломқодир Валиев ҳамда Умид Сайфиев бир гуруҳ бўлиб, Чилонзор туманида жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи устaxonа биносининг 3-қаватида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва сотиш билан шуғулланиб келаётганликлари аниқланди.

Департаментнинг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда валютафурушлар ўз "қоргоҳ"ларида фуқаро И.Абдиевга 20 минг АҚШ долларини 164 миллион сўмга сотаётган пайтда ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг ҳукми билан қонунбузарларга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

800 долларлик келишув

Фуқаро С.Хамроевнинг аризаси юзасидан Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими ходимлари томонидан шахар прокуратураси, ДХХ вилоят бошқармаси ва вилоят ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда тезкор тадбир ўтказилди.

Бахтиёр РАЖАБОВ,
Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими катта инспектори

унга олиб бориб беришини билдириб, Б.Душанованинг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этишга ёрдам бериши ҳақида ариза тақдим қилган.

Унинг аризаси юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда Қарши тиббиёт коллежи лаборанти Б.Душанова фуқаро Б.Каримовадан А.Хамроевани Қарши тиббиёт коллежида директорнинг кўмаги билан ўқишга киритиб қўйиш эвазига пора тариқасида келишилган пуллар ва А.Хамроевнинг ҳужжатларини олган вақтда қўлга олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан фуқаро Б.Каримова ва Б.Душановага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорлар суд томонидан қилмишларига яраша жазога тортилди.

Миллиардлардан тўланмаган солиқлар

Шоҳмирзо Абдухайров (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг яна судланганини эшитганлар қонундан қочиб қутулиб бўлармиди, деган хаёлга боришлари табиий. Чунки у муқаддам бир эмас, икки эмас, етти марта судланган. Аммо минг афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқариб, ҳалол яшашга одатланишдан кўра, такрор жиноят кўчасида тентирашни афзал билди.

Шерзод РАХМОНОВ,
Департаментнинг Когон шаҳар бўлими бошлиғи

Ш.Абдухайров 2017 йил 22 ноябрь кундаги Бухоро туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан "Қабиршоҳ-Нилуфар" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақалари бўйича операцияларнинг чикиш қисми тўхтатилган бўлса-да, жамиятнинг ҳисобварақалари бўйича операцияларини амалга оширишга руҳсат берувчи, фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат ҳисобланган хабарномани қалбаки-лаштириб, 2017 йил 29 ноябрь кун АТБ "Микрокредитбанк"нинг Когон туман филиали бошқарувчисига тақдим этган.

Агар мақолада келтирилган фаолият қонуларга асосланганда, миллиардлар ҳисобидан солиқлар ўз вақтида тўланганда давлат ва жамият манфаатларига путур етмас, рецидивист жиноятчи яна суднинг қора курсисидан ўтирмас эди, албатта.

Суд ҳукми билан Ш.Абдухайровга энг кам ойлик иш ҳақининг 450 баравари миқдорда, яъни 67 миллион 398 минг 750 сўм жарима тўлаш ва 4 йил муддатга озодликини чеклаш жазоси тайинланди.

машинасидан ўтказиш, банкка топшириш лозимлигини ёки жамият хазинасига кириш қилишни билишмаган, деган

Ҳеч ким мушугини "пишт" демагач, лицензиясиз қўшимча фаолиятларни йўлга қўйиб олди.

гапга кимни ишонтириш мумкин? Улар ноқонуний хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 1 миллиард сўмликдан кўпроқ миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, 2017 йил июнь-декабрь ойларидан пул кўчириш йўли билан харид қилинган 9 миллиард сўмдан ошқ алкоголь маҳсулотларини 2018

"Офтобга чиқиш"нинг нархи

Жиноят ишлари бўйича Пахтабод тумани судининг очик суд мажлисида фуқаролар О.Набиев ва Р.Йўлдошевга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) нисбатан кўзгатишган жиноят иши қўриб чиқилди. Суд судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қўйидагиларни аниқлади.

О.Набиев тиббиёт бирлашмасида бўлим бошлиғи, Р.Йўлдошева эса ушбу бўлимнинг катта ҳамшираси вазифасида ишлаган. Улар хизмат мансабларидан фойдаланган ҳолда қонунга зид бўлган ҳаракатларни содир этишган. Жумладан, бўлимга қонуний буйруқ асосида тахлилчи вазифасига ишга қабул қилинган О.Назированинг ишида турли камчиликлар борлигини рўқач қилишиб, у бир ойдан ортиқ ишласада иш ҳақини ҳисоблаш учун асос бўлувчи табелга фамилиясини киритишмаган.

О.Назированинг онаси М.Ҳошимова ушбу ҳолатга йўлдан қайтариш мақсадида Р.Йўлдошевга учраб, сабабини билгандай бўлди. Катта ҳамшира Р.Йўлдошева ҳамма жойнинг тоштарозиси борлигини, қолаверса, "мушук бекорга офтобга чиқмаслигини" тушунтирди. Ҳамма гап О.Назированинг ишга қабул қилинишида бўлим бошлиғининг "розилиги" олинмаганида экан.

Тиббиёт бирлашмасининг бошқа бўлимида анча вақтдан бери сидқидилдан ишлаб, ҳалол-

Бобирбек АБДУВАЛИЕВ,
Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси инспектори

лаб топган иш ҳақини фарзандларини боқиб, вояга етказиб, билим олиши учун сарфлаган М.Ҳошимова ушбу тамағирлик ҳолатига чиқолмай, Департаментнинг туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида катта ҳамшира Р.Йўлдошева телефон орқали бўлим бошлиғи О.Набиевдан олган буйруқига асосан М.Ҳошимовадан 800 минг сўм ва 300 АҚШ долларини қабул қилиб олаётган вақтда қўлга олинди.

Тўпланган далиллар яна бир бор қўздан кечирilib, судланувчиларнинг охириги сўзлари тингланиб, ҳукм эълон қилинди. О.Набиев ва Р.Йўлдошева Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган фирибгарлик жиноятини содир этишда айбдор, деб топилди ва ҳар бирига нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда муайян муддатларга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.



Фарғонада Марказий Осийёда ягона ҳисобланган рентген аппаратлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона очилди.

Бутун дунё ҳамжамияти олдида турган долзарб масала жиноятчиликка қарши курашиш ва пировардида унинг олдини олишга эришишдир.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ИЛЛОВЛАШ

Жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб бориш, айниқса, унга таъсир қилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун унинг моҳияти, келиб чиқиш тартиби ва кўринишлари, ривожланиш қонуниятлари ҳақида чуқур, илмий асосланган билимга эга бўлиш лозим.

Жамият ижтимоий ҳаётида ижтимоий муносабатлар қанчалик соғлом бўлса, бу муносабатлар ҳуқуқ ва ахлоқ, умуминсоний нормалар асосида шу ҳудудда яшовчи халқнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тартибга солинса, давлат органлари, мансабдор шахслар қонун асосида иш юритиб, шу жамият аъзоларининг, уларнинг миллати, ирқидан, ижтимоий ўрнидан қатъи назар, яхши ҳаёт кечириши учун шароит яратиб беришни кўзлаб иш юритса, бундай жамият доимо ривожланишда бўлади, халқи фаровон ҳаёт кечирилади, унда адолат, тинчлик ва оқсоқиллик ҳукм суради.

Шу нуқтаи назардан давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири — инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартиботини сақлаш, жиноятларни фож этиш ва олдини олишдан иборат. Бу вазифаларни бажариш учун давлат томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш учун комплекс чоралар кўрилади, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари ва идоралар аҳолига дастурлар ишлаб чиқилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тизими — ҳуқуқий, инфорацион, ижтимоий-иқтисодий ва таъминлаш ресурслари — жиноятчиликнинг статистик характеристикасига асосланади. Фақат статистикага асосланиш жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасининг ҳаётида олдинроқ юриш хусусиятини бирмунча сушайтиради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса жиноятларга нисбатан чора кўриш билан чегараланиб қоладилар.

Шу сабабли жиноятчилик, унинг характеристикаси устидан махсус кузатиш тизимини ишлаб чиқиш долзарб ва аҳамиятлидир. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашувчи органлар жиноятларнинг олдини олиш, профилактика қилиш самарадорлигини баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш ва уларга ижтимоий мезонларни киритиши лозим. Чунки ҳар бир давлат органининг самарадорлиги улар томонидан фойдаланиладиган ижтимоий механизмлар контекстидагина тан олинishi мумкин. Ҳеч бир давлат органи яхши йўлга қўйилган ижтимоий механизмларсиз самарали фаолият кўрсата олмайди.

2018 йил 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш тизимида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеосе-

Бахтиёр ПУЛАТОВ,
Бош прокуратура Академияси
профессори, юридик фанлари доктори

лктор йўғилишида қайд қилинганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш амалиёти авж олган. Шу сабабли энди жиноятчиликни илловлаш бўйича ишлар бутунлай янгича тизимда ташкил этилди.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишига оммавий ахборот воситалари ҳам жалб қилиниши, улар нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиниши, айна пайтда ижобий хулқ-атвори, қонунларга итоаткорликни ҳам тарғиб қилиши ва оммалаштириши лозим. Айна ОАВ жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда, аҳоли ёрдамига таянишда алоқа канали вазифасини бажара олади.

Аҳолини бу ишга фаол жалб қилиш учун жамоатчилик онгида ҳар бир шахснинг хавфсизлиги умумий жиноятчиликнинг олдини олишнинг самарали тизимисиз таъминланиши мумкин эмаслиги принципини шакллантириш ва мустаҳкамлаш жуда муҳим. Бунинг учун давлатнинг саъй-ҳаракати инсонда қонунга итоаткорлик ҳиссини шакллантиришга ва уни рағбатлантирувчи нормалардан рационал фойдаланиш ва мажбуриятдан қочишга қаратилиши лозим. Виктимологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни аҳолига етказиш зарур. Бу билан инсонга нисбатан жиноий хатти-ҳаракат содир этишга имкон туғдирувчи шароитлар бартараф этилади ва унинг жиноят қурбони бўлиш эҳтимолининг олди олинади.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш самарадорлигини ошириш учун кримнологик мониторинг тизими яратилиши лозим. Кримнологик мониторинг шундай кузатув олиб бориш тизимики, у орқали жиноятчилик ҳолати ўрганилади ва кузатиб борилади, унинг олдини олиш бўйича тегишли чоралар кўриш учун салбий тенденциялар олдиндан башорат қилинади ҳамда қайд қилинган соҳада давлат ва жамоатчилик фаолияти баҳоланади ва назорат қилинади.

Шу масалаларга монанд равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 10 январь куни Юнусобод тумани 7-сонли ички ишлар бўлимига ташриф жараёнида ва жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига бағишланган видеоселекторда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида асосий эътиборни ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш методологияси билан шуғулланишга йўналтириш ва илмий ёндошувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликни илловлаш бўйича янги методика яратиш юзасидан топшириқлар берилди. Бу эса жиноятчиликни илловлаш сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

ЖАБРАНУВЧИ ВА ГУВОҲ

уларнинг ҳимояси билан
боғлиқ янги нормалар

Жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти шундан далолат бермоқдаки, махсус чоралар қўллаш орқали жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминламасдан, шунингдек, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноий таъвозулардан ҳимоя қилмасдан туриб, жиноятларга ва айниқса, унинг уюшган шаклларига қарши самарали курашишни тасаввур қилиб бўлмайди. Жабранувчи, гувоҳ ва жиноят процесси бошқа иштирокчилари ўзининг шахсий хавфсизлигига ва яқинларининг хавфсизлигига тўлиқ ишонини, худди шунингдек, терговни олиб боришга қарши ҳаракат қилаётган шахслар томонидан тазйиқ бўлмаслиги жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва жиноятни самарали фож этишнинг зарурий шартидир.

2019 йилнинг 14 январидан "Жабранувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва унга мувофиқ, жиноят процессуал қонунчилигига ҳимоя қилувчи шахсларнинг хавфсизлик ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ янги нормалар киритиш йўли билан тақомиллашадиган ҳуқуқий институт жорий этилди.

Соҳанинг етакчи мутахассис ва экспертлари фикр-мулоҳазаларига кўра, бундай институтнинг киритилиши — жамиятимизда ҳуқуқ-тартиботнинг янада му-

Шухрат АБАКУЛОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги Махбурий ижро бюроси бўлим бошлиғи

қўлланилиши мумкинлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ҳимоя қилиниши таъминлаш тўғрисидаги қарор жиноят ишини юритаётган, терговга қадар текширувни амалга ошираётган, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суд томонидан қабул қилинади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, қонунда ҳужжатларни алмаштириш ва ҳимоя қилувчи шахс тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни чеклаш хавфсизлик чоралари фақат оғир ва ўта оғир жиноят ишлари бўйича зарур бўлган ҳолларда амалга оширилиши белгиланган.

Ҳимоя қилувчи шахсни жиноят процессида иштирок этганлиги муносабати билан ўлдириш, унга зўрлик ишлатиш, унинг мол-мулкни йўқ қилиш ёки мол-мулкка шикаст етказишнинг аниқ таҳдида маъмулдиги ҳақидаги маълумотлар хавфсизлик чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Хавфсизлик чоралари ҳимоя қилувчи шахснинг ёзма аризаси асосида ёки унинг розилиги билан, вояга етмаган шахсларга нисбатан эса улар ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг, шунингдек, вазирлик ва ҳомилий органлари ваколатли вакилларининг (ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари ҳомилийгидан махрум бўлган тақдирда) ёзма аризаси асосида ёхуд уларнинг ёзма розилиги билан қўлланилади.

Жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган қоида — бу ҳимоя қилувчи шахснинг жиноят процессида иштирок этиши



таҳкамланиши, жиноятларнинг, шу жумладан, айнан иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ва фож этиш ишлари сезиларли даражада ошиши ва бу ўз навбатида ўғирланган ҳамда талон-торож қилинган пул маблағларининг давлат бюджетига қайтариллишига имкон бериши, худди шунингдек, коррупциявий ва бошқа оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишининг кескин камайишига омил бўлиши шубҳасиздир.

Қонунга мувофиқ, давлат томонидан ҳимоя қилувчи шахслар тоифаси аниқ белгиланади. Мазкур тоифадаги шахсларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам ҳимоя қилувчи шахслар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳимоя қилиш чоралари жиноят иши қўзғатилгунга қадар аризагина, жиноят шохидига ёки жиноятнинг олдини олишга ёхуд уни фож этишига кўмаклашувчи шахсларга нисбатан ҳам

муносабати билан ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги), унга тан жароҳати ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилганлиги, мулкий зарар етказилганлиги учун ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллашдир.

Табиийки, жабранувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини самарали таъминлаш, зарур бўлган пайтда уларга нисбатан ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш учун бундай тадбирлар етарли даражада молиялаштирилиши ва моддий-техник жиҳатдан таъминланиши зарур.

Қонунда ҳимоя қилувчи шахсларни ҳимоя қилиш чораларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бюджет маблағлари ҳамда ҳимоя қилиниши таъминловчи давлат органларига шу мақсадлар учун ажратиладиган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.


!!! Тўлиқ матни www.huquq.uz сайтида.

!!! Тўлиқ матни www.huquq.uz сайтида.

Эндилда тегишли иш стажига эга бўлмаган, болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаган оналарга 55 ёшдан ижтимоий нафақа тайинланади.

21-MART 2019-Y.
HUQUQ № 12
(1 157)

9



FAOLIYATIDAN

Зарар келтирган фермерлар

тўлаган ҳуқуқбузарга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда жарима таъинлади.

Ўтказилаётган мониторингларда айрим юридик шахслар ҳам электр энергияси тармоғига ноқонуний улашиб фойдаланган ҳолатлар аниқланиб, бартараф этилмоқда. Чунончи, "Кўчқорчи" МФЙ худудида фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларидан бирининг раҳбари И.Қосимов умумий фойдаланишдаги электр тармоғига ўзошимчалик билан улашиб олиб, ноқонуний фойдаланган.

Шокиржон СУЛТОНОВ,
МИБ Қувасой шаҳар бўлими
бошлиғи

да зарар етказгани аниқланган. Етказилган зарарни белгиланган муддатда қопламаган фермер хўжалиқларининг иши судга юборилди.

Очиқ сайёр суд қарори билан зарар ўрнини қоплаган фермер хўжалиқларининг раҳбарларига энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробари миқдорда жарима жазоси қўлланилди.

Истеъмолчилар билан бевосита мулоқотлар, тарғибот-ташвиқот тадбирларида фойдаланилган энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида, мунтазам тўлаб бормаслиқнинг ҳуқуқий оқибатлари юқоридаги каби мисолларда муфассал тушунтирилаётгани, қарздорларни тармоқдан узиб қўйишдан тортиб, ўзошимчалик билан улашиб олганларга қўлланилаётган қонуний чоралар ўз натижасини бермоқда. Аксарият истеъмолчилар тўловларни ҳар ойнинг ўининчи кунигача, узлуксиз амалга ошириб боришга одатланишяпти.

Фермер электр тармоғи корхонасига 10 млн. сўмдан зиёд зарар етказди.

ни натижасида 2 миллион 680 минг сўм миқдорда зарар етказган.

Худди шунингдек, электр тармоғига ноқонуний улашиб фойдаланган "Суфон" МФЙ худудидаги фермер хўжалиқларидан бирининг раҳбари Г.Эргешбаев эса шаҳар электр тармоғи корхонасига 10 миллион 544 минг сўм миқдори

Бюронинг Қувасой шаҳар бўлими томонидан етказиб берилган электр энергияси, табиий газ, сув учун қарздорликни ундириш, тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, тармоқларга ноқонуний улашилари бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш борасида тизимли иш олиб борилмоқда.

Огоҳлантиришларга қарамай қарзини тўламаган, тармоқларга ўзошимчалик билан улашиб олган, етказилган зарар ўрнини ўттиз кун мобайнида қопламаган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиляпти. Маъмурий жавобгарликка оид ишлар ибрат бўлиши учун жойларда очик сайёр суд мажлисларида кўриляпти. Хусусан, "Арсиф" МФЙ, Сихатгоҳ кўчасида яшовчи З.Нажмиддинов электр тармоғига ўзошимчалик билан улашиб, шаҳар электр таъминоти корхонасига 347 минг сўм зарар етказган. Суд зарарни

Суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижросини ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахсининг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Чеклов бекор қилинди

Икромжон ГАФУРОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги Махбурий ижро бюроси бўлими бошлиғи


Ўз навбатида чекловни бекор қилиш "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун-талабига асосан амалга оширилади. Хусусан, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, чекловни бекор қилиш мумкин.

Қарздор К.Тажибаев вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун ойма-ой алимент пулларини тўлаб келган. Бироқ бу чекловни бекор қилишга асос бўлмаглигини тушуниб етган фуқаро собик турмуш ўртоғи билан қарор келишиб, фарзандининг 18 ёшгача бўлган таъминот пулларини, яъни 51 миллион 300 минг сўмни олдиндан тўлаб берди. Шундан сўнг Махбурий ижро бюроси томонидан унинг Ўзбекистондан четга чиқиш ҳуқуқлари тиклаб берилди.

Бирданига 51 млн. сўм тўлаган отанинг мамлакатдан чиқиш ҳуқуқи тикланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг 2018 йил 7 февралдаги ижро ҳужжати асосан қарздор А.Лутфуллаевдан ундирувчи М.Нарзиева фойдасига бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди. А.Лутфуллаев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судига вояга етмаган фарзанди таъминоти учун 2019 йил январь ойдан 2023 йил март ойига қадар бўлган алимент пулларини олдиндан тўлаб бериши юзасидан ижро усули ва тартибини ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Навбахор туманлараро судининг 2019 йил 23 январдаги ажримига кўра, МИБ Нурота туман бўлими томонидан 2019 йил январь ойдан 2023 йил март ойига қадар бўлган давр учун 12 миллион 981 минг 054 сўм алимент пуллари ҳисобланди ҳамда қарздорнинг мамлакатдан четга чиқишини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарорни бекор қилиш чоралари кўрилди.



СИРЛИ ЕРТЎЛА

Олимжон МАХМУДОВ,
МИБ Чироқчи тумани бўлими бошлиғи

Махбурий ижро бюросининг Чироқчи тумани бўлими томонидан 2018 йил давомидан 694 нафар қоидабузар истеъмолчига нисбатан далолатномалар расмийлаштирилган.

Мисолларга тўхталадиган бўлсак, Хўжаобод маҳалласида яшовчи С.Лапасовга тегишли савдо дўконидан электр энергиясидан фойдаланиш ахволи ўрганилди. Дўконда пластик карталар ҳисоблагич ўрнатилган бўлса-да, "уддабурон" тадбиркор дўкон ертўласидаги кабеллар орқали ноқонуний улашиб, электр энергиясидан фойдаланиб келган. Ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, туман электр таъминоти корхонасига етказилган 4 миллион 505 минг сўм зарар тўлиқ ундирилган.

Чорвадор маҳалласида яшовчи Ш.Ойназаров эса ерошти магистраль газ қувурига ноқонуний улашиб, оҳак ишлаб чиқариш цехи учун фойдаланиб келган экан. Ушбу ҳолат аниқланган, туман газ таъминоти корхонасидан фойдасига етказилган 11 миллион сўм зарар тўлини таъминланди.

Янги қурилиш маҳалласида яшовчи Қаролберди Худайназаровга тегишли маийшй хизмат кўрсатиш шохобчаси чўмилиш хавзасида сувдан фойдаланиш қонунийлиги ўрганилганда, Яқбабоғ-Муробак асосий магистраль ичимлик суви қувуридан ноқонуний, ҳисобга олиш асбобисиз тармоқ тортиб фойдаланиб келингани маълум бўлди. Натижада "Сувоқова" корхонасига етказилган 14 миллион 580 минг сўм зарар қоидабузардан тўлиқ ундириб олинди.

Мушти зўр-у, ақли кўр

Истеъмолчи сифатида ҳар биримизнинг ўз мажбурият ва бурчларимиз бор. Аммо, орамизда шундай кишилар ҳам борки, улар электр энергияси, табиий газ, сув истеъмолидан ноқонуний тарзда фойдаланаётгани етмаётгандек, МИБ ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмиш ўрнига муштум-зўрлик қилишга ҳам уринмоқдалар.

Жавлон ЖАББАРОВ,

МИБ Сирдарё вилоят бошқармаси катта инспектори

дан жазавага тушган хонадон соҳиби аввалига тилига, сўнгра қўлига эрк бериб, давлат инспекторига тан жароҳати етказди.

Худди шунингдек, МИБ Соёвут туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро Ў.Раимовга хонадонининг электр энергиясидан бўлган қарздорлигини беш кун муддатда бартараф қилиш ҳақида талабнома берилган. Фуқаро белгиланган муддатда қарздорликни бартараф этмагач, хонадонни тармоқдан узишга киришилганида маст ҳолатда бўлган Ў.Раимов уларга қаршилик кўрсатиб, давлат инспектори Б.Х.Акимовнинг юзига уради. Тезкор шўба криминалисти А.Тўраев уларни ажратмоқчи бўлганида, хонадон эгаси уни ҳам уриб, ҳақорат қилиб, тан жароҳати етказди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан текшириш ўтказилиб, Ф.Отақулов ва Ў.Раимовга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бундан ташқари, МИБ ходимларига қарздорлик миқдорини камайтириб ўзгаририлган) фуқаро Ф.Отақуловнинг хонадонидан бўлиб, электр энергиясидан қарздорлигини айтидаи ва мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузгач, электр тармоғидан узиш чораларини кўради. Бу ҳолат-

Ўтган йилги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ходимларга қарздорликларни бартараф этиш, тармоққа ноқонуний улашиб ҳолатларини аниқлаб, ҳужжатларни тегишли тартибда расмийлаштиришда фуқароларимиз томонидан 8 та қаршилик кўрсатиш ҳолати аниқланган. Бундай ҳаракатлар натижасида МИБнинг 8 нафар ходимига турли даражадаги тан жароҳатлари етказилган.

Хусусан, Махбурий ижро бюросининг Гулистон шаҳар бўлими давлат инспектори А.Буранов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) фуқаро Ф.Отақуловнинг хонадонидан бўлиб, электр энергиясидан қарздорлигини айтидаи ва мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузгач, электр тармоғидан узиш чораларини кўради. Бу ҳолат-

Оворагарчиликка ҳожат қолмади

Бюро органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги "Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"га Фармони асосида 2018 йилнинг 1 мартидан бошлаб яшаш манзилда доимий рўйхатда турган ҳар бир вояга етган шахс ҳам энергия ресурслари ва сув тўловлари бўйича мажбуриятлар юзасидан уй мулкдорлари билан биргаликда, яъни солидар тартибда жавобгар ҳисобланиши аҳолига тушунтирилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йилларда ташкилот ва муассасалар

томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун тўловни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилишдан иборат тажриба сусткашликка йўл қўйилганлиги натижасида қутилган самарани бермади. Эндликда бу камчиликлар бартараф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, МИБ Тошкент вилоят бошқармаси томонидан фаолият кўрсатаётган жами 19 699 та корхона-ташкилот ҳамда муассаса раҳбарлига 394 053 нафар ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида талабномалар юборилган ва унинг ижроси назоратга олинган.

Аваллари корхона-ташкилотларнинг ҳисобчилари томонидан ходимларининг иш ҳа-

Аъзамбек СОДИҚОВ,

МИБ Олмалик шаҳар бўлими
бошлиғи

қидан ушлаб қолинган коммунал тўловлар корхона ҳамда коммунал ташкилотлар ўртасида сарсон бўлиб қолди кетарди. Яъни ишчи-ҳодим коммунал ташкилотга бориб ҳақиқатдан ҳам иш ҳақидан тўловлар ўтганини тасдиқлатиши шарт эди. Эндликда ишчи-ҳодимнинг коммунал тўлов учун ушлаб қолинган ҳақи ҳисобчи томонидан тўғридан-тўғри коммунал ташкилот ҳисоб рақамига ҳамда тўловчининг махсус ҳисоби (лицевой счет)га туширилади. Бу эса ишчи-ҳодимнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўяди.

Деҳлида ўтган ўзбек мусиқа ва мода фестивалида ҳиндистонлик таниқли дизайнер, "Ritu Beri" бренди асосчиси Риту Бери Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги маданият туризми элчиси этиб тайинланди.

ТАВАЛЛУД АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



Хуқуқий-амалий тажрибаси билан ёш ходимларни тарбиялашга ўзининг муносиб ҳисса-

сини қўшиб, ҳамкасблари эътиборига сазовор бўлган инсон Рўзихмаҳмат Турсункулов кутлуг 60 ёшни қарши олмақда.

У прокуратура органлари тизимдаги меҳнат фаолияти давомида Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармасида бўлим катта инспектори, бўлим бошлиғи, навбатчи қисм инспектори, Департаментнинг Бойсун туман бўлими инспектори, Департаментнинг вилоят бошқармасида навбатчи қисм катта инспектори, бўлим ин-

спектори лавозимларида самарали хизмат қилди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини ҳазониб келди.

Айни пайтда у Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармасида бўлим бошлиғи вазифасида фаолият юритмоқда.

Рўзихмаҳмат Турсункуловнинг узоқ йиллик меҳнат фао-

лияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Рўзихмаҳмат Каттакулович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз!

Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси

MULOHAZA

ҚИЗИНГИЗ КИМГА ЎХШАСИН?

Ўтган ҳафтада ижтимоий тармоқларда келажак авлод, айниқса, ёш қизларимизнинг тақдирини билан боғлиқ бири яхши, бири ёмон хабарлар тарқалди. Одатда ҳазил-мутойибаларда битта яхши, битта ёмон хабар билан келган одам, эълон қилишни қай биридан бошлашни сўраса, "яхшисидан" деган жавобни эшитлади. Биз ҳам яхшисидан бошлашни лозим топдик.



Мақсудали ҚАМБАРОВ, "Huquq"

келмайди, айниқса, ўзбек қизларининг. Жомбой тумани ИИБ ЖКБ томонидан берилган маълумотга кўра, жорий йил 11 мартдан 12 мартга ўтар кечаси Ўзбекистон Республикаси "Миллий гвардияси" Самарқанд вилоят Қўриқлаш бошқармаси Жомбой туман Қўриқлаш бўлими ТҚМга келиб тушган хабар бўйича ўтказилган тадбирда "Жасур-Санжар" МЧЖга қарашли аёллар кийим-кечак савдо дўконининг ойнасини гишт билан синдириб ўғирликка тушган Т.М. аёллар оёқ кийимларини олаётган вақтида қўлга олинган.

"Ўғригина қиз"нинг хатти-ҳаракатлари туман ички ишлар бўлими томонидан кўриб чиқилмоқда.

Ёш авлод, айниқса, қизлар тарбияси ўта нозик масала ҳисобланади. Хатога йўл қўйган қизнинг кўксидан итариб, қилмишинга ярашасини оласан, дейдиган халқ эмасмиз. Т.М. билан боғлиқ ҳолатда ҳам мутасаддилар асосий эътиборни уни жазолашга эмас, балки бугунги хатоси унинг эртанги кунига таъсир ўтказмаслигининг чора-тадбирларини кўришга қаратишди.

Т.М.нинг қизиқликлари инобатга олинмас, у Жомбой туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда "Баркамол авлод" маркази қошидаги тикувчилик тўғраига жойлаштирилди. Унга туман хотин-қизлар кўмитаси ва "Сарой" маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар ҳамда Т.М. таълим оладиган умумтаълим мактабининг хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раиси мураббий сифатида бириктирилди.

Қиёслашнинг учун икки ҳолатни келтирдик. Биз кимгадир ақл ўргатиш ниятида эмасмиз. Хулоса чиқариш ҳар бир ота-онанинг ўзида. Сиз фарзандингиз қай бирига ўхшашини истайсиз?..

JARAYON

Қизлар учун тенг имкониятлар



Жорий йилнинг 23-26 март кунлари "Илм-фан келажак пойдевори" шiori остида "Қизларжон" ўқувчи-қизлар саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи томонидан ташкил этилаётган мазкур тадбирда юртимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 140 нафар ўқувчи-қиз иштирок этиши кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтажак саммитга Зулфияхоним издошлари, аълочи қизлар, фар олимпиадаларининг совриндорлари билан бирга Меҳ-

рибонлик уйларининг тарбияланувчилари, турли мураккаб вазиятда қолган, профилатик ҳисобдаги қизларнинг ҳам тақлиф этилиши бежиз эмас. Зеро, саммитда илгор қизлар ўз ютуқлари билан тенгдошларини яқиндан таништиради, мураккаб вазиятда қолган қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига бўлган имкониятларини янада кучайтиришга жиддий аҳамият қаратилади. Ушбу тадбирнинг асосий мақсади ўқувчи-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни юксак маънавият соҳиб этиб камолга етишига кўмаклашиш, қиз-

ларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, умумтаълим мактабларидаги "Қизларжон" клубларининг фаолиятини янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадбир доирасида иштирокчи қизлар ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, депутатлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Шу билан бирга, юртимизнинг етакчи олий таълим даргоҳларининг психологлари, профессор-ўқувчилари иштирокда маҳорат сабоқлари, семинарлар, ўқув машғулоти ўтказилиши ҳам режалаштирилган.

ЎЗА

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республика прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Нурулла Абдуллаевага турмуш ўртоғи **Ядига АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганини муносибати билан чуқур таязия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси жамоаси Департаментнинг бўлим бошлиғи ўринбосари Дилшодбек Юлдашевга волида муҳтарамаси **Ойбозор ЮЛДАШЕВ**нинг вафот этганини муносибати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Юртимизга тақлиф қилинган словакиялик йўл ҳаракати хавфсизлиги мутахассислари тартибга солинмайдиган пидедалар йўлқачаси учун оқ ва қизил ранглардан фойдаланишни тақлиф этишди.

Келгуси сонда

Долзарб мавзу

Уч ойлик чақалоққа икки хонали уй нархидаги сумма сўралди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV

Halim BOLTAYEV

Djaxongir MIRSAFAYEV

Surayyo RAHMONOVA

Baxtiyor NAZAROV

Kamoliddin ASGAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53, 233-64-85



www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egaloriga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiali.

Buyurtma v-3231.

21 103 nusxada bosildi.

Qoq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terifi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G. ALIMOV Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaas ijodiy uyida chop etildi. Korxonada nashr etilgan. Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxsonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004



*Бутун Ўзбекистон халқини
янгилашиш ва нафосат
байрами — Наврўзи
олам билан муборакбод
этади. Сизларга
соғлик-саломатлик,
оилавий хотиржамлик,
хонадонингизга файзу
барака тилаймиз.
Юртимиз равнақи
ва халқимиз фаровонлиги
йўлидаги самарали
меҳнатингизга улкан
зафарлар тилаймиз.
Бугунги байрамона кайфият йил
давомида ҳамроҳингиз бўлсин!*




SPORT

Футбол бўйича мамлакатимиз Суперлигасининг 2019 йилги мавсуми учун жамоалар жами 34 нафар хорижлик футболчини рўйхатдан ўтказди.

Суперлигамиздаги хорижлик футболчилар

“Бунёдкор”, “Динамо” ҳамда “Насаф” каби клублар жорий мавсумда легионерлар хизматидан фойдаланмасликни маъқул кўришди. Легионерлар учун ажратилган 4+1 лимитдан тўлиқ фойдаланган ягона клуб эса Наманганнинг “Навбахор” жамоаси бўлди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шундаки, мамлакат чемпионатида тўп сураётган хорижлик футболчиларнинг 15 нафари Сербия фуқароларидир.



“Барселона”
“Аякс”
сардорига
қизиқмоқда

Голландиянинг “Аякс” клуби сардори Матейс де Лигт ёзда “Барселона” жамоасига ўтиши мумкин.

Амстердамликларнинг бошқа футболчиси — Френки Де Йонг трансфери борасида келишиб олган “Барселона” клуби эндиликда де Лигтга ҳам “кўз олайтирмоқда”.

“Барса” футболчи борасида Голландия клубига расмий таклиф юборди. Каталония клуби ҳимоячи учун 60 миллион евро таклиф қилди.

Эслатиб ўтамиз, олдинроқ Матейс де Лигт Френки Де Йонг билан “Барселона” клубида бирга ўйнамоқчи эканлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлган эди.

Эртага саралаш ўйинлари бошланади

Шу йилнинг 22-26 март кунлари пойтахтимизда U-23 Осиё чемпионати саралаш баҳслари бўлиб ўтади.

Мазкур саралаш ўйинларида «F» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Ҳиндистон ва Тожикистон олимпия терма жамоаларига қарши тўп суради.

Этиборингизга олимпиячиларимиз баҳсларининг тақвимини ҳавола қиламиз:

22 март, соат 17:00 Ўзбекистон - Ҳиндистон («Пахтакор» стадиони)

24 март, 17:00 Тожикистон - Ҳиндистон («Пахтакор» стадиони)

26 март, 17:00 Ўзбекистон - Тожикистон («Пахтакор» стадиони).



AFC
U23
CHAMPIONSHIP



Тарихнинг энг яхши клуб мураббийи ким?

France Football талқини бўйича тарихдаги энг яхши клуб мураббийи номини “Аякс” ва “Барселона” клубларининг собиқ устози Ринус Михелс қўлга киритди.

Кучли ўчликка “Манчестер Юнайтед”нинг собиқ устози Алекс Фергюсон ва “Милан”нинг собиқ устози Арриго Сакки кирдилар.

Рейтинг тузилишида мураббийларнинг клублар билан эришган натижалари, шахсий сифатлари, фаолиятининг давомийлиги ҳамда таъсир доираси инобатга олинган.

Кучли ўнналиқдан ҳозирги мураббийлардан фақат икки киши ўрин олган — Пеп Гвардиола (“Манчестер Сити”) ва Карло Анчелотти (“Наполи”).

1. Ринус Михелс (Голландия)
2. Алекс Фергюсон (Шотландия)
3. Арриго Сакки (Италия)
4. Йохан Кройфф (Голландия)
5. Пеп Гвардиола (Испания)
6. Валерий Лобановский (СССР, Украина)
7. Эленьо Эррера (Аргентина, Франция)
8. Карло Анчелотти (Италия)
9. Эрнст Хаппель (Австрия)
10. Билл Шенкли (Шотландия)

Интернет хабарлари асосида тайёрланди